

## РУҲИЙ ҚУВВАТ БИЛАН ТИЛНИНГ ЎЗАРО МУНОСАБАТИ

Яраш Бозорович Рўзиев

Бухоро давлат университети

[yarasch@mail.ru](mailto:yarasch@mail.ru)

### АННОТАЦИЯ

Мақолада умумий ва назарий тилшунослик асосчиси В. фон Хумболт таълимотида руҳий қувват ва тил муносабати ҳақида мулоҳаза юритилади. В. Хумболт тилни 1) мазмун-моҳиятига кўра руҳий фаолият, руҳий қувват, 2) тузилишига кўра бутунлик, яхлитлик (тизим, система) ва 3) вазифасига кўра ижтимоий ҳодиса деб атаган.

**Калит сўзлар:** тил, таълимот, руҳий қувват, интеллектуал фаолият.

### ABSTRACTS

The article discusses the issue of the connection between the energy of the spirit and language in the theory of the founder of general and theoretical linguistics, W. von Humboldt. He called language 1) mental activity, mental power according to its content, 2) wholeness, system according to its structure and 3) social phenomenon according to its function

**Key words:** language, doctrine, spiritual power, intellectual activity.

### АННОТАЦИЯ

В статье обсуждается вопрос связи между духовной силы и языком в учениях основоположника общего и теоретического языкознания В. фон Гумбольдта. Он называл язык по его сущностью 1) духовной деятельностью, духовной силой, 2) по его структуре целостностью, системой 3) по его функции общественным явлением.

**Ключевые слова:** язык, учение, духовная сила, интеллектуальная деятельность.

**КИРИШ.** Маълумки бундан икки аср олдин Оврүпода *тил руҳий-ижтимоий ҳодиса* эканлиги ҳақида таълимот яратилган. Мазкур таълимот умумий ва назарий тилшунослик асосчиси Вилхелм фон Хумболт (Wilhelm von Humboldt, 1767–1835) томонидан яратилган. Улуғ олим ўз таълимотини *Ява оролидаги кави тили хусусида* номли уч жилдли асари муқаддимасида баён қилган.

**АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ.** Муқаддима 1830-1835 йилларда ёзилган бўлиб *Инсоният тили қурилишининг ранг-баранглиги ва унинг башарият руҳий тараққиётига таъсири* [1] деб номланган. Ушбу таълимот жаҳон тилшунослигида эътироф этилган бўлиб турлича оқим, йўналиш, мактабларнинг пайдо бўлиши учун асос вазифасини бажарган ва шундай бўлиб қолмоқда. Ўзининг ватанида В. Ҳумболт таълимоти янги ҳумболтчилар деган оқим томонидан янада ривожлантирилган.

В. Ҳумболтнинг мазкур тадқиқоти тилшуносликка оид бошқа асарлари билан рус тилига таржима қилиниб *Тилшуносликка оид танланган асарлар* номи билан нашр этилган [2]. Проф. Г. В. Рамишвили томонидан ёзилган сўзбошида *Вилхелм фон Ҳумболт назарий тилшунослик асосчисидир* деб сарлавҳа қўйилган. Нашриёт аннотациясида жумладан шундай дейилган. В. фон Ҳумболт томонидан илгари сурилган масала ва ғояларнинг аксарияти ҳанузга қадар тилшуносликда ўз ечимини топгани йўқ. Улар тўлақонли ечимини топиш учун ҳали мутафаккиру тилшуносларнинг бир неча авлоди тер тўкиши даркор. Китоб иловасида фалсафа фанлари доктори А. В. Гулиганинг мақоласи берилган. Унда келтирилган қуйидаги фикрлар диққатни ўзига тортади. У дастлаб Ҳегел фалсафасининг мубошири бўлган бўлса кейинчалик унинг фалсафий қарашларига қўшилмайди; бу билан пировард оқибатда Ҳегелчиликнинг бартараф этилишига (преодоление) замин яратади. Айни пайтда табиат ва инсон, моддий ва руҳий-маънавий оламнинг ўзаро бирлигини уқтириш билан у кантчилар даврасини ҳам тарк этади. Бундан маълум бўладики В. Ҳумболт таълимоти ҳозирги кунда ҳам ҳар қандай жиддий тадқиқот учун методологик ва назарий асос вазифасини ўтай олади.

Афсуски В. Ҳумболтнинг тилшуносликка оид асар ва мақолаларидан бирортаси ҳам ўзбек тилига таржима қилинган эмас. Қуйида уларнинг немис тилидаги асл нусхасига асосланиб атоқли тилшунос ва файласуф олим таълимотининг айрим жиҳати хусусида фикр юритамиз.

В. Ҳумболт тилни 1) мазмун-моҳиятига кўра руҳий фаолият, руҳий қувват, 2) тузилишига кўра бутунлик, яхлитлик (тизим, система) ва 3) вазифасига кўра ижтимоий ҳодиса деб атаган [2, 69; 70; 72]. Руҳий қувват деганда атоқли олим тилни халқ руҳий қувватининг ифода воситаси эканлигини назарда тутган. Бутунлик ёки тизим деганда эса тилни ўзаро узвий боғланган қисм(унсур)ларга эга яхлитлик деб унинг тузилиши, тартиботи (структураси) халқнинг руҳий қувватига боғлиқ эканлигини назарда туттади. Шу билан бирга халқларнинг руҳий қуввати (тафаккур тарзи) бир хил бўлмайди бинобарин тилларнинг қурилиши ҳам бир хил эмас деб уқтиради атоқли олим. Таърифнинг учинчи

қисмидан тил жамият аъзоларига ўзаро муллоқот қилиш ҳамда бир-бирини тушуниш имконини берадиган бебаҳо хилқат эканлиги англашилади. Кўринадикки мукамал таърифнинг дастлабки икки қисмида тилнинг шакл ва мазмуни, зоҳир ва ботини бошқача айтганда сурат ва сийрати тавсифланган бўлса охириги қисмида унинг қўлланиши яъни иш кўриш доираси баён қилинган.

В. Хумболт томонидан мазкур таърифда кўрсатилган белги ва тилнинг бошқа хусусиятлари теран ва муфассал тадқиқ этилади. Жумладан тилнинг пайдо бўлишига доир фикрлар ўта долзарблиги билан диққатни ўзига тортади. Хумболтгача бўлган қарашлардан бирига кўра тил тадрижий (эволюцион) тараққиёт натижасида секин-аста оддийдан мураккабга тамойили асосида пайдо бўлган. В. Хумболт бу фикрга зид шундай дейди. Тилнинг ибтидосини билмаймиз аммо у қачон бўлса ҳам бирдан пайдо бўлган. Чунки тил инсоннинг ботини, ўзига хос бўлган хусусиятдир [2, 314].

**НАТИЖА. МУҲОКАМА.** Шуниси эътиборга молики 19-асрда айтилган бу фикрлар 7-асрдаёқ Қуръони каримда баён қилинган. Жумладан Исро сурасининг 85-оятда руҳнинг моҳияти ҳақида шундай маълумот берилган. *Сендан руҳ нима деб сўрайдилар. Руҳ тангримининг амри ёки ишидир, сизларга жуда оз илм ато этилган деб айт.* Демак руҳ яратган зотга хос амр, иш экан. Инсонга ниҳоятда оз илм берилганидан руҳнинг мазмун-моҳиятини тушунишдан ожиз экан. Тангри таоло руҳнинг мазмун-моҳиятидан нимани билдирса инсон ўшани билиб олар экан холос. Яратган зотнинг ўз каломида билдиргани шуки, *у зот тупроқдан Одам атони яратиб ичига руҳидан пуфлагач фаришталарга унга сажда қилинлар дейди* (Ҳижр сураси, 29-оят; Сод сураси, 72-оят)[3]. Демак Одам атога жон кириб тирилади, яратган эгамиз унга ҳаёт деб аталмиш бебаҳо неъмат ато этади. Унинг бу ҳаёти умр деб аталади. Шу билан бирга Аллоҳ таоло Одамнинг танасини ростлаб жон киритгач унга барча нарсанинг номини ўргатади: *Аллоҳ аввал Одамга барча нарсанинг номини ўргатди* (Бақара сураси, 31-оят)[3]. Демак Аллоҳ таоло Одам атонинг онгию шуурига тил деб аталмиш бебаҳо неъматни жо қилади. Бу эса дунё тилларининг асли яъни боботил захираси демакдир. Сўнгра фаришталарга қараб билсангиз мана бу нарсаларнинг номини айтиб беринлар-чи дейди. Улар зоти покинг ҳаққи Ўзинг ўргатгандан ўзга илмимиз йўқ деб жавоб қилади. Шунда яратган зот Одамга уларнинг номини айтиб бер дейди. Одам барчасининг номини айтиб беради (Бақара сураси, 31-33-оятлар). Бундан энди тил лисоннинг нутқ тарзида воқеланганлиги аён бўлади. [4, 33-38].

Шуни таъкидлаш жоизки руҳ мазмунан беҳад мураккаб тушунча, маъно кўлами бениҳоя кенг сўз, унинг фаолияти яъни иш кўриш доираси эса серқиррадир.

Руҳнинг унсур (узв, таркибий қисм, кўриниш)ларига онг, шуур, ақл, заковат, фаҳм, фаросат, тамиз, фикр, тафаккур, тасаввур, тушунча, идрок, хотира, зеҳн, ҳис-туйғу ва ҳоказо киради. Булар инсон руҳий фаолиятида асосий омил вазифасини ўтайди. Руҳий фаолият: 1) ахлоқ, 2) тил, нутқ, 3) маданият, тамаддун, 4) илм-фан, санъат каби кўринишларда воқеланади. Бошқача айтганда булар руҳий фаолият, руҳий қувват маҳсулидир [4, 36].

В. Ҳумболт ҳам тилшуносликка доир асарларида тилнинг руҳ билан муносабатини тадқиқ қилар экан тафаккур (Gedanke), онг (Vernunft), фаросат (Verstand), ақл, интеллектуал инстинкт (Intellektueller Instinkt), интеллектуал фаоллик, фикр каби атамаларга кўпроқ мурожаат қилади.

В. Ҳумболтгача тафаккур етакчи мавқега эга, тил уни ифодаловчи восита бўлиб фикрни шакллантиришда иштирок этмайди деган қараш устувор бўлган. В. Ҳумболт эса тил тафаккур билан тенг мавқега эга чунки тил билан тафаккур ибтидодан айна бир нарса бўлган дейди. Бу ёндашувга кўра инсон фақат тил билангина инсондир. Тилнинг пайдо бўлиши учун инсон аслида инсон бўлиши керак эди (маймун эмас демоқчи). Инсон тили унинг онги билан ажралмасдир. Буни тушуниш учун инсонга хос фаросатнинг фаолияти яъни табиатини билиш даркор.

Тил зарурат тақозоси билан инсоннинг ботини яъни сийратидан пайдо бўлади ва қонуният сифатида инсон онги, ақли қувватининг фаоллигини талаб қилади. Инсоннинг бемисл бу қобилятини В. Ҳумболт онгнинг интеллектуал инстинкти (Intellektueller Instinkt der Vernunft) деб атайди. Бунда деб таъкидлайди улуғ олим фаросат ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Чунки тилнинг ҳар бир унсури пайдо бўлиши учун фаросатнинг фаоллиги зарур. Лекин фаросатнинг оддийгина фаолиятини ҳам англаб идрок этиб бўлмайди.

В. Ҳумболт диққат-эътиборини интеллектуал фаолликка қаратади. Бунда у борлиқнинг фикрга айланишида рўй берадиган фундаментал-таянч амал (den Act der Verwandlung der Welt in Gedanken)ни назарда тутаяди. Аниқроқ қилиб айтганда интеллектуал қувват тилга қандай таъсир қилиб тил ўз навбатида унга қандай таъсир этади деган масалага эътибор қаратади [2, 75].

Тил фикр ҳосил қилувчи орган-аъзодир (Die Sprache ist das bildende Organ des Gedanken) [1, 53]. Руҳий аниқроғи интеллектуал фаолият ботиний хусусият бўлиб унинг рўй беришини одатда сезиб бўлмайди. У товуш воситасида моддийлашади ва уни идрок қилиш имкони туғилади. Шунга кўра интеллектуал

фаолият билан тил ягона бирлик, бутунлик ҳосил қилади. Зарурат тақозосига кўра тафаккур доимо тил товушлари билан боғланган, алоқадор бўлади. Акс ҳолда фикр аниқ, равшан бўлмай тасаввур тушунчага айлана олмайди [2, 75]. Бошқача айтганда тушунча ҳосил бўлиши учун сезги аъзолари иш-фаолияти руҳ фаолиятининг ички жараёни билан синтетик алоқага кириши лозим [2, 76]. Бу эса фақат тил воситасида амалга ошади. Тилсиз тушунча ҳосил бўлмайди. Бинобарин тафаккурнинг ўзи ҳам мумкин бўлмайди [2, 77]. Фаросат борлиқдаги нарса, мавжудотни идрок қилиши учун нутқий товуш аниқ, равшан бўлиши даркор. Борлиқдаги нарсалар ҳам ботиний сабаб билан рўй берувчи фаолият ҳам инсонга кўп белги, сифат билан таъсир этади. Лекин фаросат нарсалардаги умумийликни аниқлашга ҳаракат қилади. У қиёслайди, қисм бўлакларга ажратади ва уларни бир-бири билан боғлаб улаб тобора йирикроқ бирлик ҳосил қилишга интилади. Фаросат ҳодисаларни муайян бирлик сифатида қабул қилади шу боис ўзини алмаштирадиган, ўзи ўрнига қўлланадиган товушдан ҳам шуни талаб қилади. Шунга кўра товуш руҳий фаолиятга мослашади.

Руҳ билан тил муносабати масаласида В. Хумболтнинг яна бир нуқтаи-назари ўз салафларидан фарқ қилади. Унинг фикрига кўра тафаккур умуман тил билан эмас, маълум даражада айрим тил билан боғлиқ бўлади [2, 317]. Бу масала ижтимоий-фалсафий хусусиятга эга бўлиб В. Хумболт унга аниқроғи халқ ва тил муносабатига ҳам алоҳида эътибор қаратади.

В. Хумболт халқ, миллатни тил мақоми (статуси)га эга бўлган инсон руҳининг хусусийлашган (индивидуаллашган) шаклидир дейди. Бошқача айтганда инсониятнинг тилларга бўлиниши унинг халқларга бўлиниши билан аниқроқ айтганда халқ руҳи билан мос келади [2, 46]. Халқнинг тили ва руҳий қуввати алоҳида ва бири иккинчисидан кейин ривожланмайди. Улар интеллектуал-маънавий қобилиятнинг ажралмас айна бир ҳаракат, фаолиятидан иборат бўлади. Интеллектуал фаолият билан тилни ажратсак-да аслида (амалда) бундай ажралиш йўқ. Халқ руҳининг ўзига хослиги билан унинг тили тузилиши, тартиботи ўзаро шу даражада қўшилиб бирлашиб кетганки улардан бири бўлса албатта иккинчиси ҳам мавжуд бўлади. Тил халқ руҳининг сурати, зоҳиридир. Бошқача айтганда халқнинг тили унинг руҳи, халқ руҳи эса унинг тили демакдир. Бу қадар ўхшаш бошқа бирор нарса, хилқат мавжуд эмас. Қандай қилиб улар айна бир ва англаб бўлмайдиган манбадан пайдо бўлганлиги сирлигича қолаверади. Айна пайтда халқ руҳининг ўзига хослигини тилдан ажратиб алоҳида ўрганиб кейин унинг ўзига хослигини тилга татбиқ этиб бўлмайди.

**ХУЛОСА.** Шуни таъкидлаш жоизки В. Хумболтнинг халқ руҳи атамасини қўллашдан мақсади тилларнинг фарқланиш шарт-шароити ва ўзига хос хусусиятини баён қилишда фақат товуш омили билан чеклаб қолиш етарли эмас. Тилларнинг фарқини тушунтиришда пастки поғонада қолиб кетмай юқори поғонага қўтарилиш лозим дейди [2, 68]. Бундай ҳолда улар орасидаги фарқ руҳга асосланиб тушунтирилади. В. Хумболт талқинида тил фақат халқ руҳини аниқлаш воситаси сифатида эмас, унинг пайдо бўлиш омили сифатида ҳам қаралади.

Қисқача шарҳдан аён бўладики ижтимоий ҳаётда атеистик дунёқарашдан воз кечилган бугунги кунда умумий ва назарий тилшунослик асосчиси В. Хумболтнинг руҳ ва тил муносабати масаласида баён қилган фикрлари ўта долзарблиги билан ажралиб туради. Айни вақтда чоғиштира тадқиқотларимиз учун методологик асос вазифасини ўтай олади.

#### **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ (REFERENCES):**

1. Wilhelm von Humboldt. (1907). *Gesammelte Schriften. Band VII. Erste Abteilung: Werke VII. Erste Hälfte*. Berlin, B. Behr's Verlag.
2. Гумбольдт В. (1984). *Избранные труды по языкознанию*. Москва.
3. Иноятов А., Зикриллаев Ғ. (2022). *Руҳ ва тил//Қуръони карим оятлари мазмун-маъносининг ўзбекча изоҳли таржимаси*. Тошкент, “Ҳилол нашр”
4. Зикриллаев Ғ.Н. (2018). *Руҳ ва тил*. -Тошкент: Фан.